

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ИЙЛ
ЧИКИШИ
№ 47 (5140).
6
МАРТ
ЧОРШАНБА
1974 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Калинин районидаги «Қорасув» совхоз буюрдоқчилари 26 ўрнига 35 тонна гўшт топириб, уш ойдик планларини 132 процент қилиб бажардилар.

Буюрдоқчи қўйилган молларнинг озуқа раиони яхшиланган сабабли қорамоллар кўнига 600 граммгача семирмоқда. Раҳим Усмонов, Мамасоди Тоштемиров, Карим Мансуров ўртоқлар бажарган қорамоллар юкори семизлида қабул қилинди. Совхоз чорвадорлари йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун ишчи мусобақа асосида олиб бормоқдалар.

Кўйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхозининг чорвадорлари ҳам баракали меҳнат қилишпти. Улар бу йил 32 тонна гўшт топиришга аҳд қилдилар. Ҳозир бу ерда гўшт топириш юзасидан берилган ярим йиллик план ошириб бажарилди. Яқин кунлар ичида яна давлатга бир неча тонна гўшт топирилади.

20 АПРЕЛЬ — ШАНБАЛИК КУНИ

Москва саноат корхоналари коллективларининг доҳий Ле-ния туғилган кун шарафига 20 апрель кунини коммунистик шанбалик ўтказиш, ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси республика саноат корхоналари, курилиш ташкилотлари томонидан қизғин қўллаб қувват ланмоқда.

Тошкентдаги «Ушчу» тўқимачилик галатерия фирмаси ишчи-хизматчилари ҳам шу кунини 50 минг сумликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш ва бу маблагнинг ҳаммасини тўққизинчи беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Бундан ташқари фирма территориясида обodonлаштириш ишлари олиб борилади, мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади.

Корхона меҳнат аҳлининг шу кунини ишори коммунистик шанбаликда энг юкори уну-дорликка эришишди.

Ш. ШОЛИМОВ.

ШОЛИДАН РЕКОРД ҲОСИЛ

Кўйи Чирчиқ районидаги Димитров колхозининг ўртоқ Шой Меун бошлиқ брига-да аъзолари 1973 йилда 30,4 гектар еридан ҳар гектаридан 75,3 центнердан шойи ҳосил олган эдилар. Улар 1974 йи-да эса гектаридан 80 центнердан шойи етиштириш мажбу-риятини олдилар. Шойи уруғ-лиги яхши танланганлиги, ўғитдан, сувдан яхши фойда-ланганлиги, гектарларда кў-чатларнинг кўн бўлишига эри-шилаётганлиги натижасида ана шундай ютуқлар қўлга кирит-тилди.

Колхознинг Ким Сергей, Югай Григорий, Шерай Ерма-лай ва бошқалар бошлиқ бри-гада аъзолари ҳам гектаридан 70 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Шумингдек, Оқўрғон райо-нидаги «Ленинград» колхозини шойкорлари ҳам юксак соци-алистик мажбурият қабул қи-лдилар. Ким Константинов, Хан Борис ва Югай Алексеевлар бошлиқ бригада аъзолари бу йил гектаридан намида 60 центнердан шойи олишга аҳд қилдилар.

Б. ИҶДОШЕВ.

ЁШЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Чирчиқдаги 19-хунар-техник билим юрти шаҳар саноат корхоналари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб бериш йўлида самарали ишлар қилимоқда.

Йилда билим юрти маъму-рияти яна бир ибратли ташаб-бус бошлади. Мақтаб қоғида тоқари ва фрезерчиларнинг олт-ий оилли малака ошириш кур-си ташкил қилинди. Бу ерда Чирчиқ электротехники, ҳамда қаттиқ қотимчалар ва ўтат-чимали металллар комбинати, «Ўзбекхиммаш», «Чирчиқсель-маш», ва трансформатор заво-дларининг ёш ишчилари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малака оширмоқдалар. Ҳамда қўшимча касб ўргатмоқдалар.

Курсини муваффақиятли та-моғланган мутахассисларга Бу-туниттйфок аҳамиятга эга бўл-ган диплом топирилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

Область партия комитетининг мажлислар залида Тошкент область қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи бўлди.

Қурултойини область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов очди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1973 йил) Плену-ми қарорларини амалга ошириш юзасидан область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг беш йилликнинг тўртинчи йили-даги вазифалари тўғрисида область ижроия комитетининг ра-иси С. А. Асомов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда бир қатор район ва хўжа-ликларнинг раҳбарлари, илғор бригада бошлиқлари, механи-заторлар ва чорвадорлар қатнашдилар.

Қурултойда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг сек-ретари И. Р. Қурбонов нутқ сўзлади.

Қурултой ишида Жинзаҳ область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Тонров бошчилигидаги область деле-гацияси иштирок этди.

Қурултойда Тошкент ва Жинзаҳ области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ўзаро социалистик мусобақа шартномаси имзоланди.

(Қурултой ҳақидаги тўлиқ ҳисобот газетамизнинг келгуси сон-и-да берилади).

Суратда: қурултой қатнашчилардан бир группаси.

А. Абалая фотоси.



ХАЗИНА ГОЙИБДАН ЭМАС, МЕХНАТДАН

БУТУНИТТИФОҚ
СОЦИАЛИСТИК
МУСОБАҚАСИ
ГОЛИБИ

да ўнган. Комбинат лаборато-рияларидан бирига ишга кир-ди.

Одамнинг биринчи иш кўни умрбод эсда қолар экан, ҳар қалай уша кунин хотирамга муҳралиниб қолган. — деб хик-оя қилади Шотурсун Сунна-тович. — Бир гуруҳ ёш ишчи-лар қатори мени ҳам Қалмоқ-қир қонига эскирсинга бош-лашди. «Пахтакор» стадионини кўз олдингизга келтирил-у, шу стадионнинг ҳам энига, ҳам бў-йига яна ўн-ўн беш барабар каттароқ бўлган разрезни ҳаё-линида жонлантиришди. Ана шу машхур Қалмоққир мис ко-ни бўлади. Ҳар ер-ҳар ерда пармалаш ускуналари, разрез-нинг айнабидан йўллар солин-ган. КРАЗ ва МАЗ сингари полвои машиналар рулда ор-тиб мис саралаш фабрикаси-га жўнапти. Қудратли экскава-торлар пешма-пеш уларга ма-дан ортиб турипти. Эскирсинга-га чиққан ёш-яланлар разрез-лардаги, мис саралаш фабри-

касидаги ҳам мураккаб, ҳам ақлини шопирадиган техникани кўриб даставвал бир қадар ҳў-чиб қолганимизни ҳам айтиб қўйай: мен ўз-ўзимга шу корхо-нада, шундоқ катта корхонада ишлаб кета оларимиздан, тош-ширишган ишлари қўлимдан келармикини, деб савол бердим. Мен билан бирга борган тенг-нурларим ҳам шундай деб ўй-лашган бўлса ажаб эмас...

Шундан бери мана кўриб турибсизки, ўн йил ўтиб кет-ди. Уша пайтларда бизга иш ўрнатган, оқ-қорани танитган устозларимизга, ҳамкасбларимизга қанча раҳмат айтса-кучида кам. Ҳазимдан кўйс қи-лдиган бўлсам, шу йиллар ичи-да политехника институтининг кечми металлургия факультети-ни тугатдим. Коммунистлар партияси сафига қабул қилиш-ди. Мана эндиликда мис эри-тиш заводи партия комитети-нинг секретарилигига сайланди. Уша кунини Шотурсун Сунна-

тович мис эритиш заводида бўлган ўзгаришлар ҳақида завқу шавқ билан гапириб берди. Ҳар ишчида чиққан, шу коллектив бағрида ўсиб, ул-гайган эмасми? Уни заводида каттадан-кичик ҳамма таний-ди.

Бу заводнинг маҳсулотлари-ни саноат саноиги етиш ҳам қи-йин. Қора мис, анод ва катод мислари, олтин-күмүш эмбаси, мис күпуриси, сульфат эмбаси, тасис, хуллаас заводнинг маҳсу-лотини мамлакатимиздаги кўн-гига корхоналар қорн-ҳайри-га яратпти. Мис заводида, мамлакат металлургия саноа-тида биринчи бўлиб кис-лород дами юбориб эритиш жо-рини этилди. Натияжада меҳнат унумдорлиги бир ярим барабар кўлайди. Табиий газ ва нисло-вод ердимида мис эритилиши натижасида комбинат йилга бир ярим миллион сўмни тежаб қолмоқда. Олмалик мистарлари ана бир янгиликнинг муаллифи сифатида ҳамкасблари ўртаси-

элементи ажратиб олиш ўз-лаштирилган.

Комбинат корхоналари, кол-лективларининг тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилидаги фидокорона меҳнати, эришган зафарлари муносиб баҳо олади. Корхона ўтган йил-ги Бутуниттйфок социалистик мусобақаси голиби, деб таъ-олини ва унга КПС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қи-зил байроғи берилди.

Олмалик хазинапарлари партиямиз Марказий Комитети-нинг партияга, совет халқига Мувожаатига жавобан 1974 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Бу йил маҳсулот ҳажми 1973 йил-га нисбатан деярли 10 процент кўнайиши керак. Коллектив олдида маъдан хом ашёсидан ҳар томонлама ва комплекс фойдаланишдек катта вазифа турпти. Рух заводи коллекти-ви ўз маҳсулотига давлат си-фат белгиси олиш орауси би-дан ишламоқда.

Хуллас, Олмалик кон-метал-лургия комбинатидан маъдан дарёси оқиб, экономикаимизнинг қудратига қудрат қўшимоқда. А. АБДУҚОДИРОВ.

ТЎЙГА ТЎЁНА

3-автобаза «Главташкент-стройинг» йирик транспорт хўжаликларидан бири ҳисобланади. Илғор коллектив соци-алистик мусобақа асосида иш юритиб, йил сайин меҳнатда юкори кўрсаткичларга эриш-моқда.

Автобаза шофёрлари 1973 йили зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун бошланган Бутуниттйфок социалистик му-собақасига қўшилиб, беш йил-лигининг ҳал қилувчи йилида қувончли натижаларини қўлга киритди. Йиллик план барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан анча илгари бажарилди, қурилиш объектида мажбу-риятдан ташқари 69 минг тонна бетон қоршимаси ва инерт материаллар ташиб бе-рилди.

Йил бошидан оқ эҳтиёж қисмлар ва ёнигидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳаракати-

нинг қизғин авж олганлиги ях-ши самаралар берди. Бу ҳара-катдан бирорта ҳам шофёр четда қолмади. Натияжада, 4 минг тоннадан ортиқ ёнигиди тежаб қолинди. Х. Дюминов, В. Усмонов, Ж. Қурбонов,

Х. Бекмирзаева ҳамда У. Ҳоши-мовлар сингари тажрибали шо-фёрлар тежабкорлик учун ку-рашда пешқадамлик қилдилар. — Йил сайин юкори кўрсат-кичларга эришишимизда, — дей-ди автобаза бош ижасери Махмуд Мўминов. — Ўзимиз-да ташкил этилган шофёрлар тайёрлаш курсининг ҳам фой-даси катта бўлмоқда. Ҳар йи-ли юзлаб ёшлар курсини му-

ваффақиятли тугаллаб, автоба-зада ишда қолмоқдалар.

Илғор автобаза коллектив-ининг бу йилги режалари ҳам улкан. Улар Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси-нинг шойил ярим асрлик тўйи-ни муносиб меҳнат ютуқлари билан нишонлаш учун белги-ловчи йил планини 25 декабр-да адо этишга аҳд қилдилар. Ж. СОДИҚОВА.

МУСОБАҚА АСОСИДА

Вотинцев номи колхоз пахта-корлари шу кунларда охиридан социалистик мажбурият асосида ишламоқдалар. Бу йил ҳар гектар еридан олинмаган ҳосилдорлиги 10 центнерга, кўтариш режаси билан яшамоқдалар.

Пахтакорлар ўтган хўжалик йилини ҳам муваффақиятдан аху-ладилар. Давлатга 4700 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топирилади. Гектар бошига олинган ҳосилдор-лик 35 центнердан олиб кетди. Бу улкан ғалабани қўлга кирит-тишда социалистик мусобақа бай-роғини балад кўтариб меҳнат қилаётган уштак ва бригада деҳ-қондорларнинг меҳнатлари катта.

Лекин орденни кавалери А. Ра-сулматов бошлиқ бригада пахта-корлари доимо пешқадамлик қи-лашади. Улар ўтган йил гектар бошига олинган ҳосилдорлигини 45 центнерга етказдилар. Т. Ра-ҳимбеков, Ш. Бўрибеков, М. Маматкулов бошлиқ бригада зарбуслари ҳам 40 центнердан ошириб ҳосил кўтарди.

Пахтачиликни комплекс ме-ханизациялаш, дала ишларини ил-ғорлар тажрибаси асосида таш-кил этиш ҳосилдорлигини ошириш-

да асосий омил бўлмоқда. Хўжа-ликда техникадан, ўғитдан, ердан фойдаланишга катта эътибор бе-рилади. Натияжада йилдан-йилга меҳнат унумдорлиги оширилиб, деҳқончилик маданияти юксалти-рилмоқда.

Деҳқонлар белгиланган йилда ҳам катта мажбурият олдилар. Бу йил намида давлатга 5000 тоннадан ортиқ пахта сотишга қа-рор қилинди. Ҳосил учун кураш йилдан кузгад башланди. Ҳозирги кунда далага маҳаллий ўғит қиқариш қизғин тус олган. Ме-ханизаторлар эса барча техника, селла ва бошқа асбоб-ускуналар-ни масумга шайлаб қўйишди.

Хўжаликда чорва маҳсулотла-ри етиштиришга ҳам катта эъти-бор берилмоқда. Олдинги йилла-ри колхоз чорвачилик фермаси сарфланган ҳаражатларини қоплай-олмас эди. Кейинги йилларда колхоз правленниси, партия таш-килоти ва илғор чорвадорларнинг ташаббуси туфайли чорвачилик юксалиш йўлига кирди. Моллар зоти яхшиланди. Хўжаликда му-с-тахам озуқа базаси яратилганга катта эътибор берилди. Натияжа-

да маҳсулдорлик тобора орта борди.

Ўтган йили чорвадорлар 246 тонна ўрнига 450 тоннага яқин сут, 40 тоннадан ортиқ гўшт топи-риб социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Хўжалик чорвачиликдан 160 минг сўмдан ортиқ соф фойда олди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўртасида Бутун-иттйфок социалистик мусобақаси-ни ўтказиш тўғрисидаги қарори чорвадорларни янги меҳнат му-ваффақиятларига руҳлантирди. Ферманинг ҳар бир ҳодими ани-масига оширилган мажбурият олди. Бу йил улар 500 тоннага яқин сарфаймоқ сут, 40 тоннадан ортиқ гўшт етиштиришга аҳд қилдилар. Ўзаро социалистик мусобақани асбоб олдираётган Гула-бекова Сунтонова, Замира Худо-бекова, Ўлмагула Ниспирова каби илғорлар ҳар беш сизгидан 3—3,5 минг литрдан охириб сут со-ғиб олишга қарор қилишди.

Ж. ТУРАЕВ.

Оқўрғон райони.



ПЕШҚАДАМ ПАРРАНДАБОҚАРЛАР

Оржоникидзе районидаги «Қиыл Ўзбекистон» колхозининг паррандабоқарлари улкан зафар кўчишди. Янги йилининг дастлабни кварталда 44 минг дона тухум топиришлари керак эди. Бу план ҳозирнинг ўзидаёқ 45 минг қилиб ортиғи билан бажарилди. Паррандабо-қарлар йиллик ва квартал планларини муддатидан олдин бажариш учун барча чоралар-ни кўрмоқдалар.

М. МИРСУЛТОНОВ.

В. И. ЛЕНИН номи Ленин ордени Тошкент электрон техника заводи ишчилари совет космо-навти Н. Н. Рукавишников билансамийни учрашув ўтказилди. Учрашувда космонавт-учувчи йи-лит қизилари қизитирувчи қўшга на воалларга жавоб берди, ишлаб чиқариш илғорлари билан ўз режалари тўғрисида ўртоқлашди. Суратда: Николай Николаевич Рукавишников завод цехида.

Г. Пун фотоси, ҲАТАГ.

ЮБИЛЕЙ
ЎҚИШЛАРИ

ИЛМ - ФАН КАМОЛИ — ЎЛКАМИЗНИНГ ИҚБОЛИ



ЎЗБЕК халқининг ва республикадаги барча меҳнатчиларнинг тарихида катта воқеа бўлган Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эриш асрлик тўйига ҳамма жойда тайёргарлик кўрилмакда. Бу байрамга бағишлаб Тошкентдаги партия комитети Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми билан бирга Юбилей ўқишлари ўтказишга давом этади.

Юбилей ўқишлари биринчи бўлиб пойтахтда бошланди. 26 февраль кўни республикамизнинг таълим олимлари областимиз шаҳар ва районларида бўлиб, меҳнаткашлар олдига лекция ва доклады ўқидилар.

Ангрен шаҳрига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Сирожиддинов, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. Алимов, техника фанлари доктори Ж. Файзуллаев, физика-математика фанлари доктори Ф. Абдулҳамидов, техника фанлари кандидати Б. Мусабоевлардан иборат гуруҳга йўл олди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Х. Усмонов, физика-математика фанлари доктори У. Ғуломов, ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг лаборатория мудирининг ўринбосари Э. Одиловлар ўртоқлар Кўйи Чирчиқ районига бўлдилар. Академик А. Мусафаров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ю. Султонов, биология фанлари доктори Т. Таубоев, юридик фанлари кандидати Т. Аюпов ўртоқлар Урта Чирчиқ районига меҳнаткашлар билан учрашди. Бекобод районига меҳнаткашлар республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. Аминов, физика-математика фанлари доктори Ш. Воҳидов, ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг лаборатория мудири Р. Раҳмонов ўртоқлардан иборат гуруҳини кўтиб олди. Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзолари О. Жамолов, Х. Боймұхамедов, профессорлар М. Асқаров, Б. Исмоилов янгибодликлар меҳмони бўлишди. Бир гуруҳ олимлар Бекобод шаҳрига ва Оққўрғон районига боришди.

Юбилей ўқишларида улар катта аўдиория билан учрашиб, 30 йил мобайнида ўтказилган ўлка илм ҳақида, республикамизда совет фанининг сарфасида улу Ленин турғилини, унинг таъсирини билан миллий илмий кадрлар ўсган — Тошкент университети тўзилганлиги, рус олимларининг қардошлиқ ёрдами ва улар билан яқин ҳамкорлик ҳақида хикоя қилиб бердилар. Юбилей ўқишлари Совет Социалистик Республикаларнинг буюк ва бузғунмас оқсонидаги тенгларнинг тенги, эришларнинг эриши, бахтлиларнинг бахтисиз бўлган Ўзбекистонимизнинг илм-фан камолоти ҳақидаги ўзига хос ҳисоботи янги.

Юбилей ўқишларида улар катта аўдиория билан учрашиб, 30 йил мобайнида ўтказилган ўлка илм ҳақида, республикамизда совет фанининг сарфасида улу Ленин турғилини, унинг таъсирини билан миллий илмий кадрлар ўсган — Тошкент университети тўзилганлиги, рус олимларининг қардошлиқ ёрдами ва улар билан яқин ҳамкорлик ҳақида хикоя қилиб бердилар. Юбилей ўқишлари Совет Социалистик Республикаларнинг буюк ва бузғунмас оқсонидаги тенгларнинг тенги, эришларнинг эриши, бахтлиларнинг бахтисиз бўлган Ўзбекистонимизнинг илм-фан камолоти ҳақидаги ўзига хос ҳисоботи янги.



МАЗМУНЛИ УЧРАШУВ

Бекобод шаҳри билан танишув олимларига бой материал берди. Бу танишув шаҳар партия комитетидан бошланди. Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари С. Моккин ва шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Саломов Бекободнинг таълим олимлари билан учрашувда ҳам танишув ўтказди. Бу учрашувда олимлар лекция ва доклады ўқидилар. Хусусан марказ бўлган кибернетика институтининг директори, академик В. Қобулов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кўп миң кишилик коллективини номдан кизгин сўзлар топириб, янги фан кибернетиканинг асосий йўналишлари ҳақида тўхтади. Халқ хўжайинлигида автоматлашти-

рилган бошқарув системаларининг кенг қўлланилаётгани ва қандай катта манфаат келтираётганини айтди. Фанлар академиясининг мухбир аъзолари, юридик фанлари доктори Ш. Ғазаев, химия фанлари доктори И. Канцеловский, ЎзССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти директорининг ўринбосари, филология фанлари кандидати С. Қосимов ўртоқларнинг доклады ҳам эътибор билан тингладилар. Улар конкрет факт ва мисолларда ўтган элли йил мобайнида ўзбек олимлари эришган ютуқларини кўрсатиб бердилар, партия сиёсатини амалга оширишда қандай ҳисса қўшаётганлигини ҳақида тўхтадилар.

СУРАТДА: Юбилей ўқишлари қатнашчилари (Ўнқад) Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Сирожиддинов, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. Жамолов, профессор М. Асқаров, доцент Т. Аюпов ўртоқлар. А. Абали ва А. Мальцев фотолари.

ОҚҚЎРҒОН

районига Юбилей ўқишлари қатнашчиларини қадрдон меҳмонлардек кўтиб олишди. Улар билан бўладиган учрашувларда тингловчиларнинг махсус йиғилиши ҳолати бўлмади, чунки бу кўн район партия хўжайинлиги мактабидан навбатдаги машғулот ўтказилаётган эди. Бу машғулотга хўжайинларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, қишлоқ хўжайин мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари тақлиф этилган эди.

Фалсафа фанлари кандидати С. Ханнинг «Бошқарув меҳнатининг илмий ташкил этили тўғрисида»ги лекциясида бунг минбарга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Солидов кўтарилади.

У пахтачилик соҳасида совет фани кўлга киритган ютуқлар ҳақида хикоя қилиб берди.

— Революциягача ўсимликлар геветикаси ва селекцияси ҳақида тушунча ҳам йўқ эди, — дейди нотиқ, — Селекция билан шуғулланувчи муассасалар ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Партия ва ҳукуматимиз мамлакатнинг пахта мустақиллиги учун қайғуриб, фаннинг бу соҳасига жуда катта эътибор бердилар.

ОЛИМЛАР ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Бош пахтачилик комитети ташкил этилди. Бирин-кетин илмий тадқиқот муассасалари, таъриба станициялари пайдо бўла бошлади. Хозир республикада пахтачилик билан шуғулланадиган унга яқин бирин илмий-техник институтлари бор.

Олим пахта илмини тараққий эттиришга хисса қўшган машҳур устозлар Николай Иванович Вавилов, Гаврил Семёнович Сайцев ва бошқаларнинг номини миннатдорчилик билан тилга олди. Улар республикада фаннинг манашу соҳасига асос солиб, пахта ташкилотчилиги ишлари олиб бордилар. Жумладан, Америкага борган Вавилов ғўзанинг энг яхши ёввойи навларини танилаб, юртимизга олиб келди. Гаврил Семёнович эса уруғчилик бўйича тажриба станицияси беосита ташкилотчилиги қилди. Шунинг учун ҳам илмий муассасалардан

бири — СССР қишлоқ хўжайинлиги министрлигига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ срдени гуза селекцияси ва уруғчилиги институтининг номи билан аталган.

Партия ва ҳукуматнинг катта ёрдами туфайли кейинги йилларда олимлар ғўзанинг сифатли, таъминлар, янгида чиллаи навларини яратдилар. Шунинг учун Совет Иттифоқи пахтачилик соҳасида жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди.

Олим институтда яратилган пахтакорларга жуда маъқул тушган ғўзанинг «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навлари тўғрисида гапираркан, уларни етиштиришда илмий ходимларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган маънақатли меҳнати ҳақида тўхтади.

Лабораторияларда ғўзанинг юқори сифатли янгида-янги навлари яратилаётир. Қишлоқ хўжайинлиги олимлари ана шундай навлардан «Экспресс-1», «Экспресс-2»нинг яратилганлиги ҳақидаги хабарни мамнулик билан қарши олдилар.

Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг директорининг ўринбосари, биология фанлари кандидати А. Ғамбардиев институт олимлари кўлга киритган ютуқлар ҳақида тўхтади.

Ўсимликлар экспериментал мутағезин проблемалари ва бу соҳадаги ютуқлар катта амалий натижалар бермоқда. Олимлар ғўзанинг маданий ва ёввойи турлари наслига физик ва химик факторларнинг таъсирини чуқур тадқиқ қилмоқдалар. Айниқса, гамма нуллари ва радиоактив фосфор физик мутағезлар орасида бир муноса самарали эканлиги аниқланди. Олимларда ғўзанинг тезпишар, ҳамма чапоқларига барабар очиладиган, барглари дефолиациясиз тўқилиб кетадиган навларини яратиш вазифаси туршти.

Бу соҳадати ишларимиз самараси хозирроқ яққол кўринмоқда. Фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши деҳқонларнинг енгил қилиш билан бирга, пахта ҳосилдорлигини кескин оширишга ёрдам берди. Шунинг учун ҳам областимизда энг юқори ҳосил олаётган оққўрғонликлар олимлардан беҳад миннатдор бўлиб таъиндилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Комил Зуфаров район медицина ходимларини олдида қизиқарли лекция ўқиди. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида қилинган катта ишларни бу район мисолида яққол кўриш мумкин. Ўтган йили ишга туширилган район шифохонаси 240 — койкага эга бўлиб, замонавий Медицина жиҳозларига эга. Шифохонада хизмат қилаётган уролог, хирург, гинеколог, педи-

атр, офтальмолог ва бошқа соҳа врачлари ўз касбининг моҳири бўлган кишилардир. Қишлоқдан машҳур шифокор бўлиб етишиб чиққан талайгина мутахассисларни кўрсатиш мумкин.

Оққўрғонликлар медицина фанлари кандидати Саид Бахромо-мов, Райрат Зокиров, Хусан Хайдаров, Шавкат Қосимов наъиялар билан ҳақли равишда фахрланидилар. Академик Зуфаров билан шогирдлари ўртасида медицина илмининг энг янги ютуқлари ҳақида кизгин баҳс кетди. Меҳмон овқат хазм қилиш органларининг паталогияси, касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва диатноз қилиш соҳасида илмий ва практик доклад қилиб, меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг пайдо бўлиш сабаблари, турли клиник ҳолати ва уларни даволаш тўғрисида қизиқарли маълумотлар билан таништирди.

Юбилей ўқишлари интироқчи-ларининг Оққўрғон район меҳнаткашлари билан учрашувлари унутилмас таассурот қолдирди.

АСУ — ЮКСАЛИШ
КАЛИТИ



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. ҚОБУЛОВ сўздан:

АСУ — бошқару-нинг автоматлаштирилган системалари кенг амалда-либ бормоқда. Келажакда халқ хўжайинлигининг барча тармоқларининг ҳам, унинг айриқ саҳифаларининг ҳам ана шу система орқали планлаштирилади, АСУ энг ошнамал технологияни режимида аниқлаб беради-ган ижтимоий ва аниқ ди-агнозлар қўладан медицина айланмоқда. Автоматлашти-рилган системаларнинг жо-рий қилиниши ишлаб чиқа-ришда қўлланилиши даври-мизнинг дарур қобилияти айланаётир. Бу соҳада кўпгина министрлик-ларга, идораларга, республи-ка корхоналарига катта ёр-дам кўрсатмоқда.

Биз ишонамизки, яқин кел-ажакда индустриал Беко-бод билан амалий алоқалар ўрнатамиз. Ишлаб чиқариш жиҳазларининг ўсиб бораёт-ганлиги ва унинг юксак сур-атлари, шаҳар кўптармоқ-ли хўжайинлигининг тўхтовсиз ривожланиётганлиги шунинг таъқоза этади.

АКАДЕМИК К. Зуфаров оқ-қўрғонлик шифокорларга лекция ўқимокда.



ЮТУҚЛАРИМИЗ
— ШОНЛИ
САНАГА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. АМИНОВнинг сўздан:

— ИҚТИДАШИБ келётган юбилей Ўзбекистон тарихчилари олдига масъу-лиятли вазифа қўйди: чуқур илмий-на-зарий фикрлар ва ҳужжатлар асосида ўзбек халқининг ютуқларини кўрсатиб бериш лозим. Бунинг учун республика тарихчиларида ҳамма ишқониятлар бор: улар марксча-ленинча назарияни чуқур ўзлаштирганлар, тарихий тадқиқотлар-нинг катта таърибисига эгалар.

Улу Октябрь ғалабасидан кейинги дастлабки йиллардаёқ Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ва социалистик қури-лиш учун курашнинг тарихи масалалари-ни ишлаб чиқишда жиддий ютуқлар қўлга киритилган эди. Бу муваффақ-иятлар урушдан олдинги беш йиллик-лар ва соҳадаги ғалаба қилган кейин-ги йилларда янада бойитилди.

Коммунистик партия ва унинг Мар-казий Комитети қабул қилган қарор-лар ҳамда унинг қўрсатмалари, партия съездлари ва конференцияларнинг ҳужжатлари совет тарихчилари учун аниқ ориентир бўлиб хизмат қилади. Уларнинг тадқиқот ишларида энг ак-туал йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистон тарихчилари КПСС XXIV съездининг «Илтимой фанларнинг ҳо-лпни дийт ва келажак учун актуал бўлган проблемаларини ишлаб чиқиш сари кескироқ бурлиш ясашлари биз учун даркордир» деган қўрсатмалари-ни амалга оширишни ўзларининг му-ҳим бурчлари деб биладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Х. УСМОНХУЖАЕВ сўздан:

— РЕПУБЛИКА юбилей йилида Ватанга 5 миллион тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан юксак маъбурият ол-ди. Бундай халқ хўжайини яратиш учун аяда унутмай ишлаётган пахта тарадиган машиналар керак. ЎзССР Фанлар академиясининг М. Т. Ғўробо-ев номидаги механика ва электрлага чи-дамли ишқотлар институтини «Меха-низмлар ва машиналар назарияси» ла-бораториясининг илмий коллективни «Главлхозмаш» бўлиналари билан биргаликда пахта тарадиган машина-лар учун янги иш органларини — ишқиндел-автоматини ишлаб чиқди. У пахта тарадиган машиналар унутдорли-гини анча оширди. Бундай машина-лар 1973 йилда республика хўжайин-ларига катта саноатдан ўтди, туркум пахта териш машиналарига нисбатан ўз афзалликларини кўрсатди.

Механизм ва машиналар назарияси ҳақидаги фаннинг вазифаси топишти-рган иш процессини таъминлайдиган ме-ханизм ва машиналар яратилган ибор-ратдир. Жумладан пахта териш, ун-и ҳар хил чиқиндилардан тозалаш, чи-қини толадан тозалаш, газмол тўқини каби ишларни бажаради. Механизмлар ва машиналар ҳақидаги фан иш про-цесслари назариясини, механизмлар ва машиналар механикасини ҳамда авто-матик ҳаракат қиладиган машиналар яратилиши ўз ичига олади. Илмий асо-да яратилган техника инсон меҳнатини енгиллаштиришга керак. Оптимал сама-радорлик ён унутдорлик бу техника-нинг меъсонидир.

ОКТАБРЬ ЁҒДУСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори ўринбосари С. ҚОСИМОВ сўздан:

латининг ёрдамида ўзбек адабиётшу-нослиги кундан-кунга равиқ топа берди.

1918 йилда «Маориф» журналининг биринчи сониде ўзбек халқ ижоди намуналарини ёзиб олиш ва тўплаш га қақирки эълон этилди. Ўзбекистон ССР ташкил этилган, фольклор экс-педициялари, шарқ кўл ёзмавлари ил-миш ва ўрганиш кенг, мунтазам тус олди.

1934 йилда Республика Тил ва ада-биёт илмий текшириш институти таъсис этилади. Мана 40 йилдирки, бу институт республикамизда ўзбек филологияси соҳасидаги йирин илмий марказ сифатида машҳур ва мав-лум. Хозирги кунда халқ оғзани ба-



лича ўрганиш эҳтиёжи туғилди. Шун-дай қилиб, адабиётшунослигининг кенг тараққийети фақат илмий аҳо-миятагина эга бўлиб қолмай балки шу билан бирга сиёсий моҳият ҳам касб этади. Шу туфайли совет дав-

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» нинг махсус мухбири С. МУСАЕВ тайёрлаган.

